

## А Ж Р И М

(ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида)

2024 йил ноябрь ойининг 11 куни Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг Қашқадарё вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биносида очик суд мажлисида, шу суднинг раиси Н.Маҳмудовнинг раислигида, судья ёрдачиси И.Холмирзаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Деҳқонобод туман прокурори катта ёрдамчиси С.Абдиганиев, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва ҳимоячиси - Деҳқонобод туманидаги “Адолатпарвар ҳақиқат” адвокатлик бюроси адвокати О.Исмоилованинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] га оид 1-1806-24011106-сонли жиноят иши кўриб чиқилиб, қуйидагилар,

### а н и қ л а н д и:

[REDACTED]-29. [REDACTED].1986 йилда Деҳқонобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Деҳқонобод тумани, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] қишлоғида яшайди, унга нисбатан гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 5 ноябрь куни олган.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] 2024 йил [REDACTED] куни соат 14ларда Деҳқонобод тумани, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] қишлоғида жойлашган яшаш уйининг ёнида кўшниси [REDACTED] нинг томорқасига ўзига тегишли бўлган эчкилари кириб кетганлиги юзасидан [REDACTED] билан ўзаро тортишиб, унга эчкиларини нима сабабдан унинг руҳсатисиз қамаб қўйганини айтиб, [REDACTED] га қасддан тан шикасти етказиш мақсадида у билан ўзаро жанжаллашиб жанжал вақтида унинг ўнг қўлини қайириб, қўли билан елка ва биллак соҳаларига бир неча маротаба қасддан уриб, унга соғлиқни узок вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикасти етказганликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланиб, судга берилган.

РСТЭИАМ Қашқадарё филиали Деҳқонобод тумани СТЭБнинг 06.09.2024 йилдаги 1/1-Қўш-сонли кўшимча экспертиза хулосасида [REDACTED] нинг танасида ўнг биллак суягини типик жойидан ёпик синиши, чап елка пастки учлиги ташқи юзасини, чап елка ўрта учлиги ташқи юзасини, кукрак қафаси ўнг ён юзасини, ўнг биллак пастки учлиги ташқи юзасини қонталашлари кўринишидаги жароҳатлари аниқланган бўлиб, ушбу жароҳатлар бирон-бир қаттиқ тўмтоқ жисмлар таъсирлари натижасида юзага келгани, жароҳатнинг етказилиш муддати жароҳатларнинг ранги ва ўзига хос хусусиятларига кўра, текширилувчини номига берилган тиббий ҳужжатда кўрсатилган вақтга тўғри келиши, оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг узок

вақт яъни, йигирма бир кундан ортик, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига олиб келган ўртача оғир шикаст туркумига кириши кўрсатилган.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, 2024 йил [REDACTED] куни соат 14ларда кўшниси [REDACTED] томорқасига кирган эчкиларини нима учун қамаб кўйганини айтиб, у билан жанжаллашиб қолгани, [REDACTED] уни ўнг кўлини кайириб, қўл ва елка соҳаларига бир неча марта уриб, жароҳат етказгани, судда [REDACTED] ундан кечирим сўрагани ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб бергани, шу сабабли ва соғлиги яхши эканлиги ҳамда кўшни эканликлари туфайли у билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашгани, унга нисбатан моддий даъвоси йўқлигини билдириб, [REDACTED] га оид жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқроп ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2024 йил [REDACTED] куни соат 14ларда кўшниси [REDACTED] билан ўзаро тортишиб қолиб, жаҳл устида [REDACTED] ни кўлини кайириб, қўл ва елка соҳаларига уриб жароҳат етказгани, судда айбини тушуниб етиб, жабрланувчи [REDACTED] дан кечирим сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб бергани ва ўзаро ярашганини баён қилди ва суддан ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчи [REDACTED] ларнинг жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўраб билдирган фикрларини тинглаб, ярашув тўғрисидаги аризалар ва жиноят ишидаги мавжуд ёзма далилларни ўрганиб, уларни баҳолаб, мазкур жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин”лиги белгилаб кўйилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [REDACTED] ўз айбига иқроп, муқаддам судланмаган, жабрланувчи [REDACTED] билан ўзаро ярашган ҳамда унга етказилган зарарларни бартараф этган, ярашув ихтиёрий бўлиб, ишни ярашув асосида ҳаракатдан тугатишга асослар мавжуд.

Жабрланувчи ва судланувчи ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талаби уларга тушунарли эканлигини ва иш бўйича ўзаро ярашганликларини билдирганлар.

Юқоридаги ҳолатларга кўра, суд иш бўйича судланувчини жабрланувчилар билан ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан судланувчи [REDACTED] нинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни ва гаров учун тергов органининг депозит ҳисоб-рақамига кўйилган 6.800.000 сўм пулни [REDACTED] нинг ўзига қайтаришни, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ бартараф қилинганини қайд этишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 585-586-моддаларини кўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда судланувчи [REDACTED] нинг жабрланувчи [REDACTED] билан ярашганлиги сабабли у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилсин.

[REDACTED] нинг гаров эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров эҳтиёт чораси учун тергов органининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.800.000 сўм пул [REDACTED] га қайтарилсин.

Жабрланувчи ҳамда судланувчига ярашувнинг ҳуқуқий оқибатлари, яъни ярашув тасдиқланганидан сўнг иш янгитдан ҳаракатга келтирилмаслиги тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ бартараф қилингани қайд қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига ёки ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация инстанциясига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Маҳмудов